

УЎТ: 631.52: 635.657

**НЎХАТНИНГ АСКОХИТОЗ КАСАЛЛИГИГА ЧИДАМЛИ  
“ИФТИХОР” НАВИНИНГ БИРЛАМЧИ УРУҒЧИЛИГИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ.**

**Ж.Т.Наҳалбаев**

к/х.ф.ф.д.(PhD), к.и.х,

Дуккакли дон экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги  
лабораторияси мудир

**И.Ш.Маматкулов**

к/х.ф.ф.д.(PhD), к.и.х,

Агрокимё ва биокимё лабораторияси мудир  
Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти

**Аннотация.** Ушбу мақолада “Ифтихор” нўхат навининг биринчи йил авлодлар майдонида тизмаларни морфологик белгилари жихатдан фарқлаш ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар.** Нўхат, аскохитоз, тизма, авлод, морфологик белгилар, кўчатзор, уруғчилик, биринчи йил авлод, оила.

**Аннотация.** В данной статье представлены сведения о морфологической характеристике гребней на полях однолетних поколений сорта нута «Ифтихор».

**Ключевые слова.** Нут, аскохитоз, гряда, генерация, морфологические признаки, питомник, семенная продуктивность, однолетнее поколение, семейство.

**Abstract.** This article presents information on the morphological characteristics of ridges in the fields of annual generations of the chickpea variety "Iftikhor".

**Key words.** Chickpea, ascochytois, ridge, generation, morphological features, nursery, seed productivity, annual generation, family.

Ўзбекистон Республикаси лалмикор худудларида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган хўраки нўхатнинг аксарият навлари (“Юлдуз”, “Лаззат”, “Ўзбекистон-32”) об-хаво серёгин келган йилларда аскохитоз касаллиги билан маълум даражада зарарланмоқда. Бунинг натижасида ушбу навлар ҳосилдорлигининг кескин тушишига ва иқтисодий зарар миқдорининг ошишига олиб келмоқда. Ана шу муаммоларга ечим сифатида ҳар қандай йилда бошқа навларга нисбатан юқорироқ ҳосил берадиган, аскохитоз касаллигига чидамли “Ифтихор” нави яратилди ва 2020 йилда Давлат реестрига киритилди.

2016, 2019, 2020 йилларда нўхат ўсимлиги вегетацияси даврида об хавонинг кўп йилликка нисбатан серёгин келиши, ҳамда хаво нисбий намлиги юқори бўлиши аксарият нўхат навларининг аскохитоз касаллиги билан турли даражада зарарланиши ва ҳосилдорликнинг кескин тушишига олиб келди. Бунинг натижасида аскохитоз касаллигига чидамли нўхатнинг “Ифтихор” нави бирламчи уруғчилиги билан шуғулулланиш зарурияти туғилди.

Шунинг учун, Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтида нўхатнинг “Ифтихор” нави бирламчи уруғчилигини ташкил қилиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Бундан кутилаётган мақсад нўхатнинг “Ифтихор” нави бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш. Бу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- Навдорлиги юқори бўлган нўхатнинг “Ифтихор” нави экинзоридан навга хос бўлган элита ўсимликларни 500 тупдан танлаб олиш ва уларни биринчи йил авлодларни синаш кўчатзорига жойлаштириш.

- Биринчи йил авлодларни синаш кўчатзорига экилган морфологик жихатдан навга хос бўлган оиларни танлаб олиш ва иккинчи йил авлодларни синаш кўчатзорига ўтказиш, навга хос бўлмаган оилаларни чиқитга чиқариш.

- Иккинчи йил авлодларни синаш кўчатзорига экилган морфологик жихатдан навга хос бўлган оиларни танлаш ҳамда, уларнинг уруғларини

бирлаштирган ҳолда биринчи йил кўпайтириш майдонига ўтказиш, навга хос бўлмаган оилаларни чиқитга чиқариш.

- Биринчи йил кўпайтириш майдонидаги авлодлар навдорлигини 100 фоизга чиқариш.

“Ифтихор” навининг бирламчи уруғчилик схемаси тажриба майдонларини экишга тайёрлаш, экиш, озиқлантириш каби агротехник тадбирлар ДДЭИТИ Ғаллаорол илмий-тажриба станциясида (2004) ишлаб чиқилган услубий қўлланмасидан фойдаланилди [1].

Тажриба ишларини баҳолаш ва кузатиш Собиқ Бутуниттифоқ ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти классификатори (РОДА СІСЕР L.1980) маълумотлари бўйича таҳлил қилинди [2].

Биринчи йил авлодларни синаш кўчатзорига элита кўчатзоридан танлаб олинган 500 туп ўсимликлар уруғлари хар бири алохида-алохида 1 м<sup>2</sup> дан бўлган майдончаларга 5-7 см чуқурликда (30 март) қўл кучи ёрдамида экилди. Уруғларнинг тўлиқ униб чиқиши 13-14 апрел, тўлиқ гуллаши 20-23 май, тўлиқ пишиши 21-24 июн кунларига кунларига тўғри келди.

Авлод кўчатзорларига танлаш, навга хос бўлган ўсимликларни ажратиб олишда Давлат патент идорасининг нўхат экини бўйича фарқланиш ва барқарорлик мезонларига синов ўтказиш қўлланмасидан (1993) фойдаланилди [3].

Ифтихор навига ўхшаш Юлдуз нўхат навидан ўсимлик: баландлиги (баланд), гуллаш вақти (ўрта), ўсимлик: туп тури (тик турувчи), барглар: яшил ранг интенсивлиги (ўрта), барг: ўлчами (йирик), дуккакнинг пишиб етилиш вақти (ўрта), уруғ: ранги (сарик-пушти), уруғ: шакли (юмалоқдан-ғадир будургача), уруғ қиррадорлиги (кучли) эканлиги билан фарқланади.

Навга хос оилаларни танлаб олиш учун биринчи дала кўригида - гуллаш вақти (80 фоиз ўсимликлар ками 1 тадан гуллаганда), ўсимлик туп тури (гуллагандан сўнг), барглар яшил рангининг интенсивлиги, барг ўлчами; иккинчи дала кўригида - ўсимлик бўйи (дуккаклар тўлиқ ҳосил бўлганда),

дуккакнинг тўлиқ пишиб етилиш вақти (уруғлари куруқ), лаборатория кўригида эса - уруғ ранги (ўримдан 1 ой сўнг), шакли каби морфологик белгилари бўйича фарқланиши баҳоланди (1- жадвал).

Биринчи ва иккинчи дала кўригида ҳам нўхатнинг касалликлар билан зарарланишини ўрганиш режага киритилган эди, лекин бу йил нўхат ўсимлиги вегетацияси даврида (март-июн ойларида) ёғингарчилик ва ҳавонинг нисбий намлиги ўртача кўп йилликка нисбатан жуда ҳам паст бўлиши, ҳамда ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши натижасида фитопатоген замбуруғлар таъсири натижасида юзага келадиган (аскохитоз, фузариоз) касалликлар кузатилмади.

1-жадвал.

Ифтихор навининг биринчи йил авлодлар питомнигида тизмаларни морфологик белгилар бўйича баҳолаш. (Ғаллаорол 2024 йил)

№	Кўриқлар номи	Морфологик белгилари															
		19. Гуллаш вақти (80 фоиз ўсимликлар ками 1		2. Ўсимлик туп тури (тўлиқ гуллагандан сўнг)		6. Барглар яшил рангининг интенсивлиги		7. Барг ўлчами		1. Ўсимлик бўйи (дуккаклар тўлиқ хосил бўлганда)		20. Дуккакнинг тўлиқ пишиб етилиш вақти (уруғлари куруқ)		14. Уруғлар ранги		17. Уруғлар шакли	
		я	н	я	н	я	н	я	н	я	н	я	н	я	н	Я	н
1	1-дала кўриги	31	469	17	452	38	414	24	390								
2	2-дала кўриги									29	361	37	324				
3	Лаборатория кўриги													9	315	11	<b>304</b>

**Изоҳ: я-яроқсиз, н-навдор.**

Танлов натижаларига кўра биринчи дала кўригида Ифтихор навининг гуллаш вақти белгиси бўйича жами 469 та навдор, 31 та яроқсиз, ўсимлик туп тури белгиси бўйича жами 452 та навдор, 17 та яроқсиз, барглар яшил рангининг интенсивлиги белгиси бўйича жами 414 та навдор, 38 та яроқсиз, барг ўлчами

белгиси бўйича жами 390 та навдор, 24 та яроқсиз, иккинчи дала кўригида ўсимлик бўйи белгиси бўйича жами 361 та навдор, 29 та яроқсиз, дуккакларнинг тўлиқ пишиб етилиш вақти белгиси бўйича жами 324 та навдор, 37 та яроқсиз тизмалар ажратилди.

Учинчи кўрик лаборатория кўриги бўлиб, тозаланган тизмаларнинг уруғлар ранги белгиси бўйича 9 та тизма яроқсиз ва 315 та тизма навдор деб топилди. Дон шакли белгисига хос бўлмаган 11 та тизма яроқсиз деб топилди.

Навнинг морфологик белгиларига хос бўлган 304 та тизмалар иккинчи йилги авлод питомнигига ўтказиш учун танлаб олинди.

### АДАБИЁТЛАР

1. Донли экинлар селекцияси ва бошланғич уруғчиги бўйича услубий қўлланма. Ғаллаорол 2004.
2. Собиқ Бутуниттифоқ ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти классификатори (РОДА СІСЕР L.1980).
3. Давлат патент идорасининг нўхат экини бўйича фарқланиш ва барқарорлик мезонларига синов ўтказиш қўлланмаси (1993).